



MASLAXATAUDIT-M LLC

Audit, Accounting, Tax, Consultancy

130100, Respublic of Uzbekistan, Djizak city, Baynalminalchilar str-5
tel: +99897-325-51-59, Maslaxataudit@mail.ru, JPAaudit.uz.

№ 13

2023 йил 30 март

Тошкент шаҳри

*Молиявий ҳисоботлардан
фойдаланувчиларга*

**“PORTLATISHSANOAT» АЖнинг
2022 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботига
Ижобий фикр билдирилган**

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Ижобий фикр

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тамонидан 14.06.2021 йилда руйхатга олинган МСНҲ shakidagi «MASLAXATAUDIT-M» аудиторлик ташкилоти томонидан Хўжалик юритувчи субъект «PORTLATISHSANOAT» АЖ нинг 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабрь даври учун бухгалтерия ҳисобининг Миллий Стандартлари (БХМС) га мувофиқ тайёрланган “Молиявий ҳисоботи”нинг ишончилигини 2023 йил 9 март куни тузилган шартномага асосан мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «PORTLATISHSANOAT» АЖ нинг 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача даври учун тузилган 1-шакл «Бухгалтерия баланси» ва 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», “Хусусий капитал тўғрисида” ги ва “Пул окимлари тўғрисида”ги ҳисоботлардан иборат бўлган 2022 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисобининг Миллий Стандартлари (БХМС) талабларига мувофиқ келади.

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз компаниядан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профессонал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли шартномага, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, БХМС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг максадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида ақс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган муҳим бузиб кўрсатишларни барчасини аниқлаш имконини бермайди. Бузиб кўрсатишлар ва ножўя ҳаракатлар натижаси, агарда улар алоҳида ёки жамлама ҳолда мазкур молиявий ҳисобот асосида фойдаланувчиларни иқтисодий қарор қабул қилишларига таъсир кўрсатса муҳим бўлиб ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Мустақил аудит ўтказган аудитор раҳбари

№04915 рақамли аудиторлик малака сертификати

22.01.2011 йилда берилган.



Н.Бустонов

Аудиторлик ташкилоти директори

М.Гулбаев

30.03.2023 й

Аудиторлик текшируви ўтказилган ҳужалик субъекти тўғрисидаги маълумотлар:

Номи: «PORTLATISHSANOAT» АЖ
Реквизитлари: х.р. 20208000200115269001, ХАТБ “Давр-Банк” Яккасарой филиали, МФО 01069.
:СТИР 201190566
Юридик манзили: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Боғибустон кучаси 139.

Аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар:

Номи: МСНУ shaklidagi «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik tashkiloti
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 20212 йил 14 июнда аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилган.
Реквизитлари: х.р. 2020 8000 4041 3625 8001, АТИБ «Ипотека банк» Жиззах вилояти филиали, МФО 00122,
ИНН 203679800.
Манзили: 130100, Ўзбекистон Республикаси, Жиззах шаҳри, Байналминалчилар-5.